



ҚАРИЯЛАРИ ҚАДРЛАНГАН ЮРТ

Нуронийлар эъзозу эҳтиромда

Тинчлик ва осойишталик. Бу икки сўз замирида юрт тараққиёти, халқ фаровонлиги, барча орзу-умидларимиз рўёби мужассам. Шу боис нуронийларимиз дуога қўл очса оилага, маҳаллага, юртимизга, бутун дунёга тинчлик ва омонлик тилайди.

■ Толибжон НИЗОМОВ «Mahalla»

Юрт тинчлиги йўлида қурашган аждодларимиз хотирасини ёд этиб, эзгу ишларини давом эттириш, бугун сафларимизда юрган, осмонимиз мусаффолиги, юртимиз равнаки йўлида хизмат қилган нуронийларни эъзозлаш халқимизга хос эзгу фазилатлардан.

Президентимизнинг 2014 йил 18 апрель куни қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисидаги фармони урушда ҳалок бўлган юртдошларимиз хотирасига, оловли жангхоҳлардан омон қайтган болаларимизга, оғир кунларни сабрбардош билан енгган момоларимизга кўрсатилаётган эҳтиромнинг яна бир ёрқин ифодасидир.

Мазкур фармонга мувофиқ, барча шаҳар ва туманларда, қишлоқ ва маҳаллаларда уруш қатнашчилари ва ногиронларига пул мукофотлари ва байрам совғалари тантанали равишда топширилади.

Фармонда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ҳамда тегишли вазирлик ва идораларга Ватанимиз озодлиги ва шаъну шарафи ҳимоячиларига боғишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадиий кечалар ўтказиш белгиланган.

Шунга мувофиқ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқарувининг чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

— Унга қўра, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлар ҳолидан хабар олиш, уларга байрам совғалари улашиш ҳамда уларнинг рўзгор юмушларига кўмаклашиш мақсадига фуқаролар йиғинлари билан биргаликда умумтаълим мактаблари ҳамда касбхунар коллежлари ўқувчиларини жалб этиш кўзда тутилган, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви Тошкилий-кадрлар бўлими бошлиғи Учқун Маҳмудов. — Байрам арафа-

ОДАМ САВДОСИ — ОЛАМ FАВFOСИ

Ўз юртини қадрлаган қадр топади

Бугунги глобаллашув даврида трансчегаравий миграция жараёнлари ҳам кучаймоқда. Маълумотларга қўра, аynи пайтда дунёда 300 миллиондан зиёд киши меҳнат мигрантларидир. Улар фаолияти доирасида 400 миллиард АҚШ доллари миқдоридagi маблағ айланаётганини инобатга олсак, бу жараён жаҳон иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаётига катта таъсир ўтказаяётганини аглаш қийин бўлмайди.

■ Юлдуз ҲОЖИЕВА «Mahalla»

Мамакатамиз ҳам дунёда юз бераётган иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий жараёнларга интеграциялашмоқда, шу маънода, миграция жараёнларидан четда эмас. Ушбу жараённи қонуний йўлга солиш, меҳнат миграцияси келтириб чиқарадиган салбий оқибатлар — одам савдоси, турли касалликларнинг юртимизга кириб келишидан юртдошларимизни ҳимоялаш давлат миқёсидagi тадбирларда намоён бўлаётир. Жумладан, юртдошларимизнинг хорижда ишлашлари учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи миграция агентлиги, Чет элга кетаётган фуқароларни жўнаб кетишдан олдинги мослаштириш ва ўқитиш марказлари ишлаб турибди. Қатор меъёрий ҳужжатлар орқали ушбу жараёнлар тартибга солинаётир, фуқароларнинг манфаатлари ҳимоя қилинмоқда.

> [3]

МАТБУОТ АНЖУМАНИ



Фарзандини жисмонан соғлом, маънан етук ва баркамол улғайтириш — ҳар бир ота-она орзуси. Бугун боласини маҳалладаги спорт мажмуаларига олиб бораётган оила бошлиқлари сони ҳар қачонгидан ортган. Бундан 6-7 йил аввал қизларини спорт тўғарақларига беришга тортинган ота-оналар айни пайтда ўзлари ташаббус кўрсатиб, фарзандларини жисмоний тарбия билан шуғулланишига ундамоқда.

■ Толибжон НИЗОМОВ «Mahalla»

Бўнинг ўзига хос сабаби бор, албатта. Аввало, мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида спорт, хусусан, болалар спортига қаратилаётган алоҳида эътибор тўфайли маҳаллаларда қод ростлаётган замонавий спорт иншоотлари нафақат ташқи қиё-

фаси, балки зарур жиҳозлар билан таъминлангани ёшларни ўзига ром этаётгани Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, уларни спортга жалб этишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг роли» мавзусида ўтказилган матбуот анжуманида алоҳида таъкидланди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан таш-

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Ободлик ва фаровонлик дастур моҳиятида

Ватанимиз ободлиги ва халқимиз турмуш даражасини бундан-да юксалтириш мақсадига ижтимоий тараққиётни кўзлаб қабул қилинаятган дастурларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

■ Т. НИЗОМОВ «Mahalla»

Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, бугунги кунда юртимиз равнаки, аҳоли фаровонлиги бевосита маҳаллалар ободлиги билан ўлчанаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Иилдан-йилга фуқаролар йиғинлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари такомиллашиб, унинг вазифалари қўлами

кенгаймоқда. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро ижтимоий ҳамкорлик янада мустаҳкамланаётир. Биргина 2013-2014 йилларда фуқаролар йиғини фаолиятига доир 20 дан зиёд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилингани фикримизнинг яққол тасдиғидир.

Яқинда «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида жамиятимизнинг асосий бўғини бўлган маҳалла институтининг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада кучайти-

ЭЪТИРОФ

Ўзбекистон — юксак интеллектуал салоҳиятли ёшлар мамлакати

Мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган эътибор, яратилаётган шарт-шароит навқирон авлод вакилларини баркамол бўлиб вояга етишида муҳим омили бўлмоқда. Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, эришилаётган ютуқлар нафақат юртдошларимиз, балки хорижликларнинг ҳам эътирофига сазовор бўлмоқда.

■ Мавлуза МЕЛИҚУЛОВА «Mahalla»

Абдулвахҳоб ФОЙИҚ (Саудия Арабистони), Тошкент халқаро вестминистр университети талабаси: — Юртингиздаги таълим дарагоҳлари фаолияти билан танишар эканман, барча ўқув муассасаларида ёшларнинг жаҳон стандартлари асосида чуқур ва пухта билим олиши, ўз касбининг мутахассиси бўлиб етишиши учун қулай шароитлар яратилганига гувоҳ бўлдим.

Ўзбекистонда таълим тизимини ривожлантириш учун соҳага жуда катта сармоя жалб этилаётгани хо-

кил этилган тadbирда Фонд мутасаддилари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари, фуқаролар йиғинлари ходимлари, спорт мураббийлари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Бугунги кунда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда ҳамкор ташкилотлар томонидан фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги комиссиялар, хусусан, Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссия ишини тизимли ташкил этиш, самарадорлигини ошириш ҳамда маҳаллаларда спорт майдончаларини қуриш, мавжудларини таъмирлаш, ёшларни спортга жалб этишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига услубий-амалий жиҳатдан кўмаклашиб келинмоқда.

> [2]

ЧОРШАНБА

2014 йил 23 апрель, №34 (1001)

ХУШҲАБАР

Ишбилармон иш кўзини билади

Андижон шаҳридаги «Иттифоқ» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи тадбиркор Низомиддин Раҳматуллаев бир неча йилдан бери «Низомий савдо-саноат» оилавий корхонасини юргизиб келади.

■ А. АБДУЛЛАЕВ «Mahalla»

Ассан эркаклар оёқ кийимлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган мазкур корхонага яқинда Андижон шаҳар ҳокимлиги томонидан «Маҳалла» хайрия жамоат фонди шаҳар бўлинмаси тавсиясига қўра маҳалла ҳудудидан икки қаватли бино қуриш учун ер майдони ажратилди.

— Фаолиятимизни янада кенгайтириш учун айнан маҳалламиз ҳудудидан ер майдони ажратилгани айни мuddaoдир, — дейди тадбиркор. — Айни пайтда корхонамизда ўттиз нафардан зиёд аҳоли меҳнат қилаётган бўлса, борпо этаётган янги бинони ишга туширсак, маҳалламизнинг яна шунча аҳолиси иш билан таъминланади.

Ишбилармон бу ерда ишлаб чиқариш иншоотидан ташқари алоҳида ўқув маркази ҳамда пойабзал дўкони қуришни бошлаб юборган.

Қурувчилар тўхфаси

Нукус шаҳрида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиши сифати ошаётгани тўфайли шаҳар аҳлининг соғлиғи мустаҳкамланиб, тиббий маданияти юксалиб бормоқда.

■ Мухбиримиз.

Яқинда шаҳардаги 4-сонли маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидagi Нукус шаҳар тиббий маркази биноси тўлиқ таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Унга ёндош 220 ўринли шифохона ҳам ишга туширилгани Соғлом бола йилида аҳолига муносиб тўхфа бўлди. Бунёдорлик ишлари «Амударё» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан бажарилди.

Тиббиёт муассасасида хизмат қилаётган 499 нафар шифокор ва 903 нафар ҳамшира шаҳардаги 58 та маҳалла фуқаролар йиғинига сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда. Қувонарлиси, жорий йилдан бошлаб ҳудуддаги 9 та поликлиниканинг барчаси оилавий поликлиника мақомини олди.

Ма Фу ЛИН (Хитой), Самарқанд давлат чет тиллари университети ўқитувчиси:

— Ўзбекистон истиклол йилларида кўплаб соҳаларда босқичма-босқич амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар тўфайли улкан муваффақиятларга эришди. Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, мутахассислар тайёрлаш сифатини тўбдан яхшилаш бўйича 2011-2016 йилларга мўлжалланган дастурни амалга оширишга 277 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтириш кўзда тутилганидан хабарим бор.

Таъкидлаш жоизки, таълим соҳасини тараққий эттиришга сарфланаётган бу маблағ жаҳон мамлакатлари орасида энг юқори кўрсаткичлардан биридир. Ўзбекистон — юксак интеллектуал салоҳиятга эга ёшлар равишида «Алгебра фанининг отаси» деб тан олинган Ал-Хоразмий, шунингдек, астрономия асосчиларидан бири Мирзо Улуғбек каби жаҳон илм-фани ривожига бекиёс ҳисса қўшган улуг алломалар етишиб чиққан.

Юртингиздаги замонавий ахборот технологиялари, ўқув лабораториялари билан таъминланган юзлаб коллеж ва лицейлар, олий ўқув юртлири, муҳташам спорт иншоотлари ёш авлод камолотига хизмат қилаётир.



— Ўзбекистонда таълим соҳасини босқичма-босқич, аниқ мақсадга йўналтирган ҳолда ислох қилиш бўйича узоқни кўзлаган дастурлар изчил амалга оширилмоқда. Бу борода халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир. Жумладан, диёрингизда кўплаб нуфузли чет эл университетларининг филиаллари фаолият юритаётга-

ни бунинг исботидир. Мамлакатингизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида танланган тараққиёт йўли, аynиқ-са, таълим соҳасидagi улкан ютуқлар хорижда ҳам катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Юртингизда ёш авлоднинг пухта билим олиши, ўз касбининг етук мутахассиси бўлиши учун барча шарт-шароит яратилган.

23 АПРЕЛЬ — ХАЛҚАРО КИТОБ
ВА МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ КУНИМуаллифлик ҳуқуқи
муносиб ҳимояда

Республикамызда амалга оширилаётган ислохотлар сирасида муаллифлик ҳуқуқига оид қонунчиликнинг ҳам такомиллаштирилаётгани бой маданий меросимизнинг ҳар томонлама ҳимояланаётганидан далолат беради.

■ **Махсума ОРТИҚОВА,**
Миробод туманидаги
5-сонли давлат
нотариал идораси
нотариуси.

23 апрель — Халқаро китоб ва муаллифлик ҳуқуқи куни БМТ доирасида нишонланадиган саналардан бири. Муаллифлик ҳуқуқи давлатимиз томонидан муносиб муҳофазага олинган. Зотан, ижодни қўллаб-қувватлаш, интеллектуал фаолият маҳсуллари ҳимоялаш шахс эркинлиги ва инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг асосий омилдир. Бундай демократик тамойиллар жамият ривожидан муҳим аҳамият касб этади.

Интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш бўйича жаҳон ҳам-жамиятининг барча механизмлари Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти томонидан мунтазам бошқариб борилади. Халқаро конвенциялар, битимлар ва шартномалар тизимини самарали ташкиллаштириш жаҳон ҳам-жамияти учун интеллектуал мулк объектларини сотишдан катта фойда кўриш имконини беради. Демак, ғоялар, ишланмалар ва шахсий ҳуқуқларнинг ривожланган мамлакатлар япги ички маҳсулотидоги улуши салмоқлидир.

Республикамыз интеллектуал мулк соҳасида 1992 йилдан буён кенг қўламдаги халқаро ҳамкорликларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, ўтган давр мобайнида давлатимиз Саноат мулкни ҳимоя қилиш бўйича Париж

Конвенцияси, Адабий ва бадий асарларни ҳимоя қилиш бўйича Берн Конвенцияси, Патент ҳаққоридаги тўғрисидаги ва товар белгилари бўйича шартнома, Белгиларни рўйхатга олиш учун товар ва хизматларни халқаро таснифлаш тўғрисидаги Ницца битими, Халқаро патент таснифлари тўғрисидаги Локорно битими каби халқаро ҳужжатлар бўйича ҳамкорликни йўлга қўйди. Бундан ташқари, мамлакатимиз Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг фаол иштирокчиси ҳамдир.

Бугунги кунда интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида илмий-техникавий ишланмаларни ва экспортчиларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини ҳимоялашга ёрдамлашувчи ҳамда миллий саноатга чет эл инвестицияларини жалб қилишга қўмаклашувчи, ўз навбатида, саноатимизга хориж инвестицияларини жалб этишга йўналтирилган 8 та давлатлараро, 10 та ҳукуматлараро ва 17 та идоралараро шартнома ҳамда битимлар имзоланди.

Интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш доимий асосда такомиллашиб борадиган жараёндир. Зотан, ушбу жараёнларнинг демократия тамойиллари асосида амалга оширилиши илмий тадқиқот ишланмалари, истикболли ихтироларни қўллаб-қувватлаб, рақобатбардош интеллектуал маҳсулотлар кўпайишига ҳам йўл очади.

СПОРТ

Велопойгачилар синови

Қашқадарёда «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида «Касаба — тур» анъанавий велома-рафонининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.



■ Мухбиримиз.

Мусобақада 200 нафардан зиёд ҳоваскор велоспортчилар қатнашди. З.Аминов, Ю.Ражабов, Р.Тиловова, Н.Норқувватова ўз йўналишларида биринчи ўринни эгаллади.

«Энг маҳоратли пойгачи», «Энг кекса иштирокчи», «Энг ёш қатнашчи», «Ғалабага бўлган интилиш учун» каби номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

«Жасур» — ғолиб

Фарғонада вилоят мудофаа ишлари, ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари, мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида анъанавий «Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинлари ўтказилди.

Академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларидан таркиб топан 19 жамоа аъзолари сафда юриш, саф қўшиғи, югуриш, граната улоқтириш, мерганлик, турникда тортилиш, фуқаро ҳимояси ва тезкор тиб-

бий ёрдам кўрсатиш, умумий сиёсий-ҳуқуқий тайёргарлик каби ўн тўртта шарт бўйича ўзаро баҳслашишди.

Мусобақада Сўх академик лицейининг «Жасур» жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

Тошкент кишлоқ ҳўжалик институти томонидан 1984 йили Имомов Муқимбой Чориевич номига берилган ИВ-1 №300703 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ОИЛА ТИЛСИМИ

Фарзандим иқболи менинг толеим, саодатимдир

«...Остонаси тиллодан уй сеники ёр-ёр». Ана шундай тилаклар билан хонадонга келин келади, икки ёшга эзгу ниятлар билдирилади. «Узукка кўз қўйгандек», дея таърифланган жуфтлик бир умрга содиқ қолишга аҳд қилишади. Аммо кўп ўтмай улар ажралиш ташвишига тушиб қолишади. Нега?..

■ **Гулрух ТОҒАЕВА,**
«Маҳалла» хайрия жамоат
фонди Навоий вилояти
Нурота тумани бўлини маси
бош мутахассиси.

Сир эмас, ҳаётда бундай ноҳус воқеалар ҳам учраб туради ва беихтиёр савол туғилади: ёқтириб турмуш қурган ёшлар орасига совуқлик тушишининг, ажралишларининг сабаби нимада?

Нурота туманида оилавий ажримларни мониторинг қилганимизда, ажраётганларнинг 60 фоизини ёш оилалар ташкил этганидан ташвишландик. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлини маси томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ажримлар сабаби ўрганилди. Аниқланган сабабу баҳоналар ёш оилаларга хос экани кузатилади. Жумладан, ёшларнинг бир-бирини тўғри тушунамаслиги, қайнона-келин муносабатларидаги мурокасизлик бундай оилалар барқарорлигига пугур етказмоқда.

Оилавий келишмовчиликлар боис фуқаролар йиғинларига мурожаат қилганлар орасида қайноналар келинининг рўзгор юмушларига ўқувсизлигини рўқас қилади. Баъзан қайнонанинг уй-рўзгор тутумида хаддан ташқари талабчанлиги, ке-

линнинг юмушларга, ўзаро муомалага эпсизлиги ҳам оилалар парокандалигига сабаб бўлаётир.

Азалдан юртимизда эру хотин ажралиши айб саналиб, уларни мурокага келтиришга қавму қариндошдан тортиб, қўни-қўшни, маҳалла-қўй ҳам бош қўшган. Бугун ҳам ушбу анъана давом этмоқда, аммо масаланинг иккинчи томонини ҳам унутмаслик лозим. Зотан, ғишт қолипдан кўчгач, уринишлар фойда бермаслиги мумкин. Шу боис қиз бола тарбиялаётган оналар зиммаларидаги масъулиятни тўла-тўқис ҳис этишлари зарур. Қизини хаддан ортиқ эрқалатиб, унга сандиқ-сандиқ сеп йиғиш билан овора бўлган она келинлик вазифаларини, ўзини туттиш, рўзгор ишларини бекаму кўст одо этишни, ширин муомала сирларини ҳам ўргатишни ёддан қикмаслиги зарур. Ахир, сеп ёки қимматбаҳо мебель қанчалик бахт-саодат ҳада эта олади?..

Қадимда момоларимиз, қиз тарбиялаётган оналар «Хунарли хор бўлмас», мақолига амал қилиб, турмуш қурадиган ҳар бир қизга бутун рўзгор ишларини ипидан игнасиғача ўргатишган, бирор хунарни ўзлаштиришни эса анча олдиндан бошлашган. Бунда эзгу мақсад-моҳият мурасим. Зотан, қўлида хунари, касби кори бор киши моддий қийинчиликларни енга олади. Қолаверса, ўзи



мустақил иш бошлайди, кимгадир қарам бўлмайди. Маълумотли қизнинг эса ўз қарашлари, шахсий фикри шаклланиб, оқ ва қора, яхши-ёмон, фойда-зарарни ажрата олади, қолаверса, оила масъулиятини ҳам чуқур ҳис этади.

Фонд ва ҳамкор ташкилотлар томонидан тумандаги фуқаролар йиғинлари, умумтаълим мактаблари ва касб-хунар коллежларида мутахассислар иштирокида тарбият урғулашлари ўтказилаётир. Тадбирларда, асосан, оила ва мажбурият, бурч ва масъулият, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш

ҳақида тушунтиришлар берилаётганига қарамай, афсуски, баъзан ҳали коллежни битирмаган қизларни турмушга бериш ҳоллари кузатишмоқда.

Яқинда ўз билганидан қолмайдиган ота-она 2-босқичда таҳсил олаётган қизини узатди. Қайнона келинининг ҳаётга тайёр эмаслиги, рўзгор тутуми, муомала муносабатларини синдира олмади. Маҳалла-қўй, қўни-қўшни, қариндошлар қанча уринмасин, ёш оила 8 ой ичида ажралиб кетди. Ота уйда кўзи ёриган келинининг боласи ногирон туғилди. Бунинг устига гўдак отасиз ўсишга маҳкум. Қудалар эса, вақтида тўғри иш тут-

магани боис пушаймонда.

Бундай воқеалар ҳар қандай кишини ўйлантириши табиий. Ва энг қизиги ҳар биримиз мажкур жараённинг иштирокчиси, гувоҳи, агар аввалдан ўйлаб фикр юритилмаса, сабабчиси ҳам бўлиб қолишимиз мумкин. Шундай экан фарзандларимиз тақдирига фақат бефарқ қарамаслик эмас, балки зурриёдиннинг бахти менинг бахтим, унинг иқболи менинг толеим, саодатим деб яшасак мақсадимиз хайрли бўлади. Зеро, бахтли ва соғлом фарзанд мамлакат ва миллат келажагини белгилайдиган омилдир.

“ФАРОВОНЛИК”

ПУЛ-БУЮМ ЮТУҚЛИ, ТИРАЖЛИ ЛОТЕРЕЯСИ

“ФАРОВОНЛИК” – ОМАДИНГИЗ КАЛИТИДИР

2014 йил 20-21 декабрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказиладиган ютуқлар тиражида ўз омадингизни синаб кўринг

10 дона

10 дона

10 дона

5 дона

5 дона

625 дона

625 дона

625 дона

700 дона

1025 дона

625 дона

ЖАМИ 1 118 000 та ПУЛ-БУЮМ ЮТУҚЛАРИ МАВЖУД

ЛОТЕРЕЯ БИЛЕТИНING НАРХИ - 5000 СЎМ

Лотерея билетларини банкнинг барча филиалларида сотиб олишингиз мумкин

Банкнинг вилоят бошқармалари телефон рақамлари

Қорақалпоғистон Республикаси 8-361-222-16-77 Андижон вилояти 8-374-228-46-20 Бухоро вилояти 8-365-223-85-53 Жиззах вилояти 8-372-226-25-33	Қашқадарё вилояти 8-375-771-15-60 Наманган вилояти 8-369-223-19-32 Навоий вилояти 8-436-770-35-49 Самарқанд вилояти 8-366-210-02-46	Сурхондарё вилояти 8-376-770-81-48 Сирдарё вилояти 8-367-221-01-50 Фарғона вилояти 8-373-244-08-41 Хоразм вилояти 8-362-770-57-00
--	---	---

Қўшимча маълумот учун 8-371-273-03-04

Лотерея билетларини балоғатга етмаган шахсларга тарқатиш тақиқланади

www.agrobank.uz

Хизматлар лицензияланган



Музокара давом этади

Эрон ядровий дастури бўйича экспертлар даражасидаги музокараларнинг кейинги босқичи май ойида Нью-Йорк шаҳрида ўтказилади.



ИРНА ахборот агентлиги хабарига кўра, муҳокама БМТ қароргоҳида ўтказиладиган Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномага бағишланган учрашув доирасида ўтади.

Апрель ойи бошида

Эрон ҳамда АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия, Россия ва Хитойдан иборат олти йирик давлат делегациялари Эрон ядровий муамласини ҳал қилиш тўғрисидаги узоқ муддатли шартнома бўйича келишувга эришиш учун Венада учрашгандилар.

Январь ойида бу борадаги оралиқ шартнома кучга кирган. Мазкур шартномага мувофиқ, Эрон ўзига қарши халқаро иқтисодий санкцияларнинг бир қисми бекор қилиниши эъзига ўз ядровий дастурининг маълум қисмидан воз кечиши зиммасига олган.

Дарёдаги бахтсиз ҳодиса

Амазонка дарёсига сайёҳлар кемаси чўкиб кетган.

Бунинг оқибатида бир киши ҳаётдан кўз юмган, ўн нафар сайёҳ бедарак йўқолган. Кема Перунинг Икитос шаҳридаги Санта-Роса бондаргоҳидан йўлга тушган.

Бахтсиз ҳодиса Колумбия ва Перу чегарасида содир бўлган. Шу боис маҳаллий денгиз ҳарбий кучларининг тезкор сайёҳаракатлари тўғрисида қўллаб-қувватлаш бўлиб қўйилган.

Йирик автохалокат

Покистон жанубидаги Синд музофотида юз берган йўл-транспорт ҳодисаси 40 дан зиёд кишининг умрига зомин бўлган.



«France-Presse» таъқатган хабарга кўра, йўловчи автобуси йўл четигаги юк машинасига бориб урилган. Бахтсиз ҳодиса оқибатида 20 нафар киши турли даражада жароҳатланган. Таъмирлаш ишлари олиб борилаётгани боис йўлнинг бир йўналиши ёпиб қўйилган эди.

Ҳодиса сабаблари ўрганилмоқда.

■ Интернет материаллари асосида
Ф. КОМРОН тайёрлади.



ОЙЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

Яхши ният билан қадасанг ниҳол

Қашқадарё вилоятининг барча маҳалла ва қиш-лоқларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлашти-риш ишлари уюшқоқлик билан давом этмоқда.

■ **С. БОЙМУРОДОВА**
«Mahalla»

Хар бир фўқаро ўз хов-лиси, маҳалласида эзгу ниятлар билан кўчат ўтқазиш, яшаб турган гўша-сини боғу бўстонга айлан-тиришга астойдил бел боғ-лаган. Косон туманидаги 64 та фўқаролар йиғинида ҳам бу ишлар кенг кўламда олиб борилмоқда.

— Тумандаги фермер хўжа-ликлари ва агрофирмалардан шартнома асосида турли гул ва дарахт кўчатлари олиб, кўча ва хиёбонларга, ховли-жойларга экяпмиз, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинимаси бош мутахассиси Хотида Бафоева. — Икким шароитидан келиб чиқиб, 36 минг 116 тул каш-тан, япон сафораси, терак каби манзарали, олма, ўрик, шафтоли сингари мевалии дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Бу йил гул кўчатлари экишга алоҳида эътибор қаратилган. Ёз ойларида сув тақчиллиги ҳисобига олиниб, томчиллаб сўғориш усулидан кенг фойдаланилганди. Бугун қишлоқ ва маҳаллаларга 21 минг дона отиргул ва бошқа гул кўчатлари ўтқазилди. Эъти-борли ҳаёти шундаки, улар-

нинг доимий парвариши хар бир ташкилот ва маҳалла-ларга юклатилди.

«Пудина» маҳалла фўқа-ролар йиғинида жойлашган Қўсам шайх ота зиёратгоҳи-да кенг кўламда ободонлаш-тириш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. «Гала», «Бойтерак», «Қозоқли», «Шер-бек» маҳалла ва Обидийда қишлоқ фўқаролар йиғинида-ги қабристонлар хошар йўли билан тўзаланиб, атрофла-ри ободонлаштирилди, ман-зарали ниҳоллар экилди.

Шунингдек, 105 та кам таъминланган оила, боқувчи-сини йўқотганлар, кексалар ва ногиронларнинг турар-жойлари таъмирлаб берил-ди. Бунинг учун Фонд бўлин-маси ҳамда ҳомийлар маб-лағи ҳисобидан 9 миллион 476 минг сўм сарфланди.

— «Хар бир фарзандга бир тул кўчат» ташаббуси борчани руҳлантириб ибор-ди, — дейди «Кўйи Оброн» маҳалла фўқаролар йиғини-да яшовчи фўқаро Сўнон Хўш-вақтов. — Уч нафар фарзан-дим ва 3 нафар набиромга атаб 6 та мевалии дарахт ва 6 тул гул кўчати экдим.

Албатта, бугун яхши ният билан ерга қодалган ниҳол эртанги авлодларнинг риз-насибасир.



Фидойилар аҳди қатъий

Жиззах вилоятида ободонлаштириш ва кўкалам-зорлаштириш ишлари жадал тўс олган. Ёшу қари бир тану бир жон бўлиб кўча-кўйлар, маҳалла гу-зарлари, хиёбонларни тартибга келтирмоқда.

■ **Нарзўла АБДУАҲАДОВ.**

Ўтган вақт мобайнида жами 130 минг гектардан зиёд майдон ободонлашти-рилиб, 120 минг тонна чи-қинди ташиб чиқорилди, 45 минг км.га яқин йўллар то-заланиб, 60 минг тулдан зиёд манзарали, 50 мингтача ме-валии ҳамда 60 минг тул гул кўчати ўтқазилди.

Вилоят ҳокимининг та-

шаббуси билан жойларда ташкил этилган гуруҳлар аъзолари ҳам бу ишларга муносиб ҳисса қўшишмоқда. Дўстлик туманидаги фўқаро-лар йиғинлари қошида тузил-ган 666 та гуруҳнинг 1431 на-фар аъзоси бори. Уларга кат-та ҳаётий тажрибага эга, тур-ли касб соҳиблари бириккан.

Фидойи гуруҳ аъзолари обо-донлаштириш ва кўкаламзор-лаштириш ишларини йил бўйи давом эттириш ниятидалар.

СЕМИНАР

Йиғинлар ҳаёти журналист нигоҳида

Бугунги кунда юртимизда фаолият юритаётган 1370 дан зиёд оммавий ахборот воситалари орқали мамлакатимиз ҳаётига оид янгиликлар, ўзгариш ва янгилианишлар, улкан бунёдкорлик ишлари турли ракурсларда ёритиб борилмоқда.

■ **Толибжон НИЗОМОВ**
«Mahalla»

Бу жараёнда фўқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органла-ри фаолиятига ҳам алоҳида урғу берилганди аҳолининг ма-ҳаллалар томонидан амалга оши-риладиган кенг кўламли ишлардан хабардорлигини оширяпти. Зеро, оммавий ахборот воситалари хо-димлари кучли фўқаролик жамияти барпо этишда маҳалла фўқаролар йиғинлари фаолиятини кенг ва ат-рофлиқа ёритиш учун, аввало, со-ҳага доир қонунлар ва қонуности ҳужжатлардан тўлиқ хабардор бўли-ши лозим.

Пойтахтимизда Мустақил бос-ма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари кўл-лаб-қувватлаш ва ривожлантириш

жамоат фонди томонидан «Журна-листлари ННТ ва фўқаролик жа-миятининг бошқа институтлари фа-олиятини, жумладан, фўқаролар-нинг ўзини ўзи бошқариш орган-лари — маҳаллаларнинг фўқаро-лик жамияти институтлари тизими-даги роли ва аҳолиятини ёритиш-га тайёрлаш» мавзусида семинар ташкил этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 мартдаги «Ўзбекистон Рес-публикаси Президентининг 2013 йил 12 декабрдаги «Фўқаролик жамия-ти институтларини ривожлантириш-га кўмаклашиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қаро-ри ижроси бўйича чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори юзасидан уюш-тирилган семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари вакиллари иштирок эт-

дилар. Тадбирда таъкидланганидек, бой тарихий тажрибани ўзида му-жассам этган, истиқлол туфайли ўзи-нинг ҳуқуқ ва ваколатларига эга бўлган маҳалла институти фаоли-ятини оммавий ахборот воситалари-да кенг ёритиш миллий бошқарув тизимининг янада равнақ топишига хизмат қилади.

— Семинарда қатнашиб, маҳал-ла фаолиятига доир кўплаб маълум-лотларга эга бўлдим, — дейди «Фаргона тамаддуни» газетаси му-ҳбири Муҳаммад Шокирова. — Янги тахрирдаги «Фўқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғриси-да»ги қонуннинг 20-моддасида фў-қароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқ-лаштириш бўйича республика ва ҳудудий кенгашлар тузилиши бел-гиланган. Шу асосда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорла-ри билан тузилган кенгашлар фа-олиятининг ҳуқуқий асослари билан танишдик. Семинардан олган би-ли ва қўникмаларимиз келгусида фўқаролар йиғинлари фаолиятини тезкор ва холис ёритишимизда кўл

келиши шубҳасиз.

Дастлаб маҳаллалар фўқаро-ларнинг муносабатлари асосида иш кўрган бўлса, бугунги кунда улар йилнинг хар чорагида туман, ша-ҳар ва туман ҳокимликлари раҳ-барларининг фўқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти доирасига кирувчи масалалар юза-сидан ҳисоботларни, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ободонлаштириш масалалари бўйича тегишли ҳудудда жойлаш-ган корхоналар, муассасалар, таши-килотлар раҳбарларининг ҳисобот-ларини эшитиш ҳуқуқига эгадир. Ушбу механизм жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлашда муҳим воситага ай-ланмоқда.

— Анжуманда иштирок этиб, со-ҳага доир билимларимни янада му-стаҳкамлаб олдим, — дейди «Анди-жоннома» газетаси муҳбири Акбар-жон Назаров. — Айниқса, маҳал-ланинг давлат бошқаруви органла-ри фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишдаги вазифа-лари, аҳолининг эътиҳоманд қатлам-

ларини таъминлаш, улар ўртасида на-зоратсизлик, ҳуқуқбузарликлар профи-лактикасини амалга оширишга кўма-лашишдан иборатдир.

Айни пайтда ёшлар ўртасида соғ-лом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, уларни жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланишга жалб этиш, спортнинг оммавий ва миллий турларини, халқ ўйин-ларини ривожлантиришга қаратилган ишларни йўлга қўйишда комиссия фаол-лари ташаббус кўрсатиб келмоқда.

— Ушбу комиссия фаолияти бизнинг маҳаллада ҳам тизимли йўлга қўйилган, — дейди Тошкент вилояти Паркент ту-манидаги «Истикбол» маҳалла фўқаро-лар йиғини раиси Шароф Эшматов. — Комиссия аъзолари соғий-ҳаракати билан шугулланишга истикомат қилаётган ёшлар ҳудуддаги мажмуода спортнинг белбоғли кураш, қараэт, енгил атлетика, бодий гимнастика турлари билан мунтазам шугулланмоқдалар. Фарзанд-ларимизнинг бўш вақтлари тўғри таши-кил этилаётгани натижасида улар ўрта-сида ҳуқуқбузарликлар умуман содир этилмаганди. Янгида маҳалламиздаги ста-дионда ўтказилган «Биз — буюк юрт фарзандларимиз» фестивалида ҳам ёшларимиз фол қатнашишди.

Спорт болани чинқиши, эпчил, чақ-қон қилиши билан бирга, уни турли касалликлардан ҳам ҳимоялайди. Энг му-ҳими, спорт билан шугулланаётган бо-лалар сафи кенгайгани сари улар ўрта-сида турли касалликларга чалиниш ҳолатлари камайиб бораётгани, айрим хасталикларга спорт орқали бутунлай бэрҳам берилаётгани фикримизнинг яққол тасдиғидир.

Тадбирда «Маҳалла» хайрия жамо-лат фонди томонидан Соғлом бола йи-лида болалар спортини ривожлантириш бўйича қатор ишлар амалга оширили-ши режалаштирилгани айтиб ўтилди. Хусусан, Давлат дастурига асосан, мак-

Тадбир якунида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари кўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлигида маҳалла тизимида амалга оширилаётган ишлар, илгар тажрибаларни оммавий ахборот воситалари орқали янада кенгроқ ёритиш ҳамда энг яхши ижодий материаллар муаллифларини рағбатлантириш мақсадида журналистлар ўртасида эълон қилинган «Истиқлол — ғурурим, маҳаллам — фахрим» кўрик-танлови ғолиблари тақдирландилар. Уларга қимматбаҳо совғалар ва махсус дипломлар топширилди.

2014 ЙИЛ — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

Тарбияда хар бир лаҳза масъулиятли

Болани бежиз ниҳолга қиёслашмайди. Навниҳол қур-так ёзиб, мева береунига қадар парваришга муҳтож бўлаганидек, боланинг ҳам баркамол инсон бўлиб ул-гайиши учун доимий эътибор ҳамда тарбия лозим.

■ **Дилором НАСРИАДИНОВА,**
Тошкент шаҳар
Олмазор тиббий
касб-ҳунар коллежи
ўқитувчиси.

жараёнида хар қандай хо-тарлардан, зарарли таъсир ва оқимлардан хар биримиз огоҳ, ҳушёр бўлиб яшаши-мизни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Ёшларни миллий маъна-виятимизга зид иллатлардан ҳимоялашда ота-оналар зий-рак бўлиши, фарзандлари кун бўйи нима билан маш-гул эканини эътибордан чет-да қолдирмаслиги лозим. Бола билан жиддий, салим-ий гаплашиш, ваъдасини бажаришга ҳаракат қилиши, бажара олмаса сабабини ётиги билан тушунтириши тарбияда муҳим аҳолиятта эгадир. Акс ҳолда боланинг ота-онага ишончи йўқолиб, унда сусткашлик пайдо бўла бошлайди.

Баъзи ота-оналар фар-зандининг ичкилик ёки тама-кига ўрганиб қолганидан узоқ вақтгача беҳабар қола-ди. Ваҳоланки, ота-она фар-зандининг кўнглида кечаёт-ган хар бир ўй-кечинмадан вақтида хабар топиши, унга тўғри йўл кўрсатиши лозим.

Ҳаёт тажрибамиз «Юк-сак маънавият — енгилмас куч» асарида.

Дарҳақиқат, ёшлар тар-бияс хар доим долзарб ма-сала бўлиб келган. Чунки, эртаимзнинг қандай бўлиши бугунги ёшларнинг хар то-монлама баркамол бўлиб улғайишига боғлиқ.

Президентимиз Ислам Қаримовнинг жорий йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Рес-публикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кў-шимча чора-тадбирлар тў-ғрисида»ги қарори ёшларга, хусусан, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига қаратил-ган ислохотларнинг манти-қий ва узвий давоми сифа-тида бу борадаги ишлар-нинг янги босқинини бошлаб берди.

Қарорга мувофиқ 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш билан боғлиқ кўшимча чора-тадбирлар Дастури қабул қилинди. Дастурдан юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, чуқур билимлар-га эга ватанпарвар ёшлар-ни тарбиялаш, уларда тур-ли мақсурадий таҳдидлар-га қарши иммунитетни шакллантириш, фарзандла-римизни спорт билан мун-тазам шугулланишга кенг жалб этиш, улар орасида соғлом турмуш тарзини тар-тиб қилиш каби долзарб ва-зифалар ўрин олган.

Олдимизга қўйган эзгу мақсадларга эришиш учун ҳозирги мураккаб замонда юз бераётган глобаллашув

ҳимоялашда ота-оналар зий-рак бўлиши, фарзандлари кун бўйи нима билан маш-гул эканини эътибордан чет-да қолдирмаслиги лозим. Бола билан жиддий, салим-ий гаплашиш, ваъдасини бажаришга ҳаракат қилиши, бажара олмаса сабабини ётиги билан тушунтириши тарбияда муҳим аҳолиятта эгадир. Акс ҳолда боланинг ота-онага ишончи йўқолиб, унда сусткашлик пайдо бўла бошлайди.



